



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 90 (12.651)

Баҳоси эркин нарҳда

2014 йил — Соғлом бола йили

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Пойтахтимиздаги 38-болалар ва ўсмирлар спорт мактабидида спортчи қизларга миллий ва замонавий услублар асосида тайёрланган спорт кийимларини топшириш маросими бўлиб ўтди.



ҚИЗЛАР УЧУН СИФАТЛИ СПОРТ ЛИБОСЛАРИ

Учун барча шарт-шароит яратилган. Биргина 2013 йилда Тошкент шаҳрида иккита болалар спорт мактабига, иккита болалар ва ўсмирлар спорт мактаби, битта сузиш ҳавзаси ҳамда бешта болалар мусика ва санъат мактаби фойдаланишга топширилди. Айни пайтда мавжуд спорт мактабларида 184 минг нафардан зиёд ўғил-

қиз спорт машғулотларида жалб этилган. Уларнинг 78 минг нафардан ортиги қизлардир. Бу борадаги эзгу ишлар Соғлом бола йилида ҳам изчил давом эттирилмоқда. Қизлар учун юқори сифатли, миллий ва замонавий услублар ўй-ғуллашган спорт кийимлари тайёрлаш йўлга қўйилгани уларни жисмоний

тарбия ва спортга кенг жалб қилиш, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан пойтахтимиздаги 11 минг 300 нафар қизга ана шундай спорт кийимлари топширилди.

(Давоми 3-бетда)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муҳтарам Ислам Абдуганиевич! Сизни Улуғ Ватан урушида қозонилган Ғалабанинг 69 йиллиги муносабати билан самимий табриклайман.

Халқларимиз фашизмга қарши елкама-елка қаҳрамонона жанг қилган ва беҳисоб қурбонликлар эвазига ўзларининг ҳаётини, эркинлигини ва муносиб келажагини ҳимоя қилган. Биз миллионлаб қурбонлар хотирасига таъзим қиламиз ва мислизи жанглардан омон чиқиб, бизни тинчликни асраб-авайлашга, қадрига етишга даъват этган ота-боболаримизнинг жасоратига ҳамиша юксак эҳтиром кўрсатамиз.

Буюк Ғалаба ёди бугун ҳам мамлакатларимиз халқларини бирлаштирмоқда. Биз бу йил 10 йиллигини нишонлайдиган Россия Федерацияси ва Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги Стратегик шериклик тўғрисидаги шартнома бунинг ёрқин тасдиғидир. Ишончим комилки, Россия ва Ўзбекистон алоқаларининг янада мустақамланиши Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашга хизмат қилади.

Муҳтарам Ислам Абдуганиевич, Ўзбекистонда яшаётган Улуғ Ватан уруши фахрийларига миннатдорлигим ва энг самимий табриқларимни, бутун Ўзбекистон халқига тинчлик ва фаровонлик тилаб билдирган эзгу тилақларимни қабул қилгайсиз.

Эҳтиром ила,

Владимир ПУТИН,
Россия Федерацияси Президенти

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ЯНГИ ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

6 май куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Кенгаши томонидан тақлиф этилган қонун тартиби тасдиқланганидан сўнг депутатлар янги қонун лойиҳаларини биринчи ўқишда кўриб чиқдилар. "Қимматли қўғозлар бозори тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 7 январда қабул қилинган «2011-2015 йиллар даврида Ўзбекистон иқтисодиётида ислохотлар қўламини кенгайтириш ва чуқурлаштириш, мамлакатда ишбилармонлик муҳитини шакллантириш бўйича мезонлар ва баҳолаш тизимини аниқлаш ва амалга оширишга доир чора-тадбирлар дастури тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ ишлаб чиқилган.

Қонун лойиҳасининг асосий гоёси қимматли қўғозлар бозорининг молиявий бозордаги ва умуман иқтисодиётдаги роли ва аҳамиятини ошириш, шунингдек, унинг рақобатбардорлигини таъминлашдан иборат. Ушбу мақсадга эришиш учун қонун лойиҳасида замонавий ахборот технологияларига ўтиш орқали мамлакатимиз фонд бозорини модернизация қилиш, шунингдек, Ўзбекистон Республикасида қимматли қўғозлар бозорини тартибга солишда илгор жаҳон тажрибасини жорий этиш назарда тутилди.

Қонун лойиҳасида қимматли қўғозлар эмиссияси, замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг тадбир этиш ҳисобига қимматли қўғозлар бўйича битимлар тузиш билан боғлиқ тартиб-таомилларни соддалаштиришга, қимматли қўғозлар бозорида профессионал фаолият олиб боришга доир талабларни оширишга, шу жумладан,

қимматли қўғозлар бозори тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилганлиги учун жавобгарлиқни аниқлаштиришга қаратилган нормалар ҳамда янги молиявий воситалар ўз аксини толган.

Депутатлар Ўзбекистон Республикаси Олий суди томонидан қонунчилик ташаббуси тартибда киритилган жиноят, жиноят-процессуал ва жиноят-иқроия қонун ҳужжатларининг жиноий жазоларни ўташ тартибини либераллаштиришни назарда тутувчи айрим нормаларини янада такомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳасини ҳам кўриб чиқдилар.

Қонун лойиҳаларини ҳар томонлама муҳокама этиш чоғида барча сиёсий партиялар фракцияларининг, Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар гуруҳининг вакиллари сузга чиқдилар. Улар мамлакатимизда иқтисодий ва суд-ҳуқуқ соҳаларида олиб борилаётган ислохотларнинг ҳуқуқий базасини янада кенгайтириш ва мустақамлашда киритилаётган тузатишларнинг муҳимлигини таъкидлаб ўтдилар.

Муҳокамалар чоғида билдирилган фикр-мулоҳазаларни инобатга олган ҳолда, депутатлар ушбу қонун лойиҳаларининг асосий қоидаларини маъқулладилар ва масъул қўмиталарга кейинги ўқишда кўриб чиқиш учун ҳужжатлар тайёрлашни топширган ҳолда уларни биринчи ўқишда қабул қилдилар.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ўз ваколатига доир бошқа масалаларни ҳам кўриб чиқди.

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси
Қонунчилик палатасининг
Ахборот хизмати

Она юртимизнинг тинчлиги ва осойишталигини асраш учун мардлик ва жасорат кўрсатган боболаримиз хотирасини эъзозлаш, нурунийларни қадрлаш халқимизга хос эзгу фазилатлардан.

Президентимиз раҳнамолигида Иккинчи жаҳон уруши иштирокчилари ва фахрийларга ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш янгича маъно-мазмун билан бойиди. Бу жиҳатлар айни кунларда мамлакатимизда 9 май – Хотира ва қадрлаш кунига бағишлаб ўтказилаётган тадбирларда яққол намоён бўлаётди.

Давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 18 апрелда қабул қилинган «Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида»ги Фармони доирасида пойтахтимизнинг Чилонзор туманида ҳам турли маънавий-маърифий тадбирлар ташкил этилаётди. Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, иккинчи халқаро муҳтож нурунийлар ҳолидан хабар олинмоқда. Маҳалла фаоллари, ҳиммати банд инсонлар томонидан кекса ва ногиронлар, имконияти чекланганларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатилаётди.

Ўзбекистон фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуруний» жамғармаси, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, Чилонзор тумани ҳокими

9 май – Хотира ва қадрлаш кун

КЕКСАЛАР ҚАДРИ

лиги ҳамкорлигида Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва фронт ортида меҳнат қилган фахрийлар учун хайрия тадбири ташкил этилди.

— Бугунги тинч, фаровон кунларга шукроналар айтман, — дейди туманининг Чарх Камолон маҳалласида яшовчи уруш фахрийси Рашида ая Солихова. — «Оруларим рўббини, невараче-вараларим камолини кўрдим. Биз кексаларга кўрсатаётган юксак эътибор ва ғамхўрлик учун Ўртабосимиздан беҳад миннатдоримиз. Илоҳо, юртимизга кўз тегмасин.

Нуруний отахону онахонлар пойтахтимиздаги Хотира майдонида бўлиб, юрт тинчлиги ва озодлиги, келажақ авлодларнинг истиқболи учун жон фидо қилган ватандошларимизни хотир-

лашди. Улар орасида Дўмбиробод маҳалласида яшовчи Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Усмон ота Абдуллаев ҳам бор.

Отахон узоқ йиллар давомида тумандаги 131-умумтаълим мактабида география фанидан ўқувчиларга сабоқ берди, маҳалла фуқаролар йиғини раиси лавозимида фаолият юритди. Олти фарзандни эл қорига ярайдиган инсонлар сафига қўшди. Айни кунда невараче-варалари, маҳалла ёшлари ардоғида.

— Юртимиз тинч, хотиржам, дастурхонимиз тўқин, — дейди Усмон ота. — Кексаларга ҳурмат кўрсатилаётгани бизни мамнун қилаётди.

Барно МЕЛИҚУЛОВА,
ЎЗА мухбири

Пойтахтимиздаги Халқаро ҳамкорлик марказида 6 май куни Илмий-техникавий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон — АҚШ қўшма комиссиясининг биринчи мажлиси ўз ишини бошлади.

ИЛМИЙ-ТЕХНИКАВИЙ АЛОҚАЛАР РИВОЖЛАНМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантириш мувофиқлаштириш қўмитаси билан АҚШ давлат департаменти ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбирда икки мамлакатнинг тегишли вазирлик ва идоралари, илмий-тадқиқот муассасалари вакиллари, олим ва мутахассислар иштирок этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси президенти

Ш. Солихов ва бошқалар бугунги кунда Ўзбекистон — АҚШ муносабатлари мамлакатларимиз ўртасида 2002 йилда имзоланган Стратегик шериклик ва ҳамкорлик асослари тўғрисидаги декларация қоидаларига мувофиқ конструктив ҳамкорлик ва манфаатларини ўзаро ҳурмат қилиш тамойиллари асосида изчил тараққий этаётганини таъкидлади. Икки давлат ўртасида илмий-тех-

никавий ҳамкорлик ҳам кенгайиб бораётди. Бунда 2010 йили имзоланган илмий-техникавий ҳамкорликка оид ҳукуматлараро битим муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётди.

Қўшма комиссия икки мамлакатнинг давлат идоралари, илмий-тадқиқот марказлари, олий ўқув юртли ва хусусий компаниялари ўртасида фан ва технологиялар соҳасидаги ҳамкорлик-

ни ривожлантиришга қаратилган мазкур ҳужжатни амалга ошириш мақсадида ташкил этилган. Ушбу мажлис икки мамлакатнинг илмий-техникавий имкониятларидан тўлароқ фойдаланиш, Ўзбекистон ва АҚШ илмий-техникавий ҳам-жамиятлари ўртасидаги алоқаларни кенгайтириш, шунингдек, ўзаро манфаатли ҳамкорликни қўллаб-қувватлашга қаратилган.

(Давоми 2-бетда)

қатнашди. Вилоят босқичида уч юзга яқин ёш ўз билим ва интеллектуал салоҳиятини синовдан ўтказди.

● Самарқанд вилоятининг Пайариқ туманидаги «Чоштепа» қишлоқ врачлик пунктида «Соғлом бола йили» Давлат дастури ижроси юзасидан кўргазмалар семинари ўтказилди. Қишлоқ врачлик пунктлари фаолияти самарадорлигини ҳамда аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини ошириш мақсадида вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси томонидан ташкил этилган тадбирда туман ва шаҳар тиббиёт бирлашмалари раҳбарлари, қишлоқ врачлик пунктлари мудирилари ва шифокорлар иштирок этди.

● Андижон вилоятининг Хонобод шаҳрида «Хонобод таровати» ёшлар фестивали бўлиб ўтди. Тадбир доирасида миллий ўйинлар мусобақалари, дорбозлар гуруҳларининг чиқишлари, миллий либослар,

хунармандчилик маҳсулотлари кўргазмаси, аскиячи, қизикчилар, миниатюра гуруҳлари қўриқ-танлови ва ошпазлар танлови бўлиб ўтди.

ЖАҲОНДА

● Ҳиндистон фарбидаги Махараштра штатида йўловчи поезднинг локомотиви ва 4 та вагонининг издан чиқиб кетиши натижа-сида 19 киши ҳаётдан кўз юмган, 30 нафар йўловчи турли даражадаги тан жароҳатларини олган. Маълумотларга кўра, поезд ҳаракатлантирувчи таркибининг техник жиҳатдан носоз бўлгани ва бошқарувда хатога йўл қўйилгани ушбу темир йўл ҳалокатини келтириб чиқарган.

● Ўзаро келишувга мувофиқ АҚШнинг NASA космик агентлиги ҳамда Европа космик агентлиги таркибига кирувчи Франция,

Германия, Буюк Британия, шунингдек, Швейцария космик агентлиги ҳамкорлиги-да 2016 йилнинг март ойида «InSight» самовий зондининг Марс сайёрасига учури-лиши кўзда тутилмоқда. Режага кўра, ушбу зонд олти ойлик парвоздан сўнг Марсга қўниб, унда 720 кун давомида тадқиқот иш-ларини олиб боради.

● Франц-Иосиф ери ороллари атрофида ҳозиргача фанга номаълум бўлган ақула-ларнинг янги тури топилди. Уларнинг бўйи қарийб 2 метрга етадиган бўлиб, бу ақула-ларнинг Арктика сувларида учрайдиган ягона тури ҳисобланади. Илгари бундай ақула-лар Баренц денгизининг жанубий қисми ва Шпицберген яқинидаги Гольфстрим оқимининг иссиғи таъсири остидаги худуд-ларда бўлган. Олимлар бу ерда ақуладан ташқари яна бир қатор нодир жониворлар-га ҳам дуч келдилар.



● Термиз шаҳрида «Юксак маънавият-ли авлод» фестивалининг Сурхондарё вилояти босқичи бўлиб ўтди. Республика Маънавият тарғибот маркази, Олий ва ўрта махсус, Халқ таълими вазирликлари, Ўзбекистон Бадий академияси ва «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши ҳамкорлигида илк бор ўтказилаётган фестивалнинг шаҳар ва туман босқичларида тўрт ярим мингдан ортиқ ёш

«Туркистон» саройида банк-молия соҳасидаги янгиликлар ва тадбиркорларга яратилаётган имтиёзлар тўғрисида банк тизими ходимлари ва кичик бизнес субъектлари вакилларининг учрашуви бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси раиси А.Шай-хов, Касаба уюмлари федерацияси кенгаши раиси Т.Норбоева, «Тадбиркор аёл» Ўзбекистон ишбилармон аёллар уюмлари раиси Г.Махмудова ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини янада яхшилаш, бизнес юритишнинг жаҳон амалиётида қабул қилинган баҳолаш мезонларини ҳаётга жорий этиш борасида кенг қўламли чора-тадбирлар амалга оширилаётганини таъкидлади.

Кейинги йилларда тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш, кредит олиш, хўжалик низоларини кўриб чиқиш, бизнесни тугатиш жараёнлари сезиларли даражада соддалаштирилди.

Мамлакатимизда ўттиздан ортиқ банк самарали фаолият юритмоқда. Тизимда ишбилармонлик муҳитини янада такомиллаштириш, юқори даражадаги қўлай инвестиция иқлимини юзага чиқариш, кредит ташкилотларининг шаффофлигини таъминлаш ҳамда тадбиркорлик фаолиятини юритиш шартларини яхшилаш бўйича изчил чоралар кўрилмақда.

Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 7 апрелда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида инвестиция иқлими ва ишбилармонлик муҳитини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ҳамда 15 апрелда имзоланган «Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш ва давлат хизматларини кўрсатиш билан боғлиқ тартиботларни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори бу борада янги имконият эшикларини очмоқда.

Президентимизнинг юқорида номи қайд этилган фармонида кўра, жорий йилнинг 1 июнидан тадбиркорлик субъектлари билан ўзаро муносабатларни тартибга соладиган меъёрий-ҳуқуқий ва бошқа ҳужжатларнинг давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг расмий веб-сайтларида чоп этилмаганларининг талабларини бузгани учун тадбиркорлик субъектларига жавобгарлик чоралари қўллаш тақиқланади. Тадбиркорлик субъектларига

жорат банкларидagi ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхатиб туриш фақат суднинг тегишли қарори асосида амалга оширилади.

— Янги тартибга мувофиқ кредитлаш объектлари сафига оилавий корхоналар ва хусусий тадбиркорлар ҳам қўшилди, — дейди «Асака» банкнинг кредитлаш департаменти бошқармачиси бошлиги Фаррух Тулабоев. — Эндиликда уларга айланма маблағларини шакллантириш ва инвестиция лойиҳаларининг техник-иқтисодий асосларини ишлаб чиқиш учун 12 ой муддатгача кредит ажратилади. Инвестиция лойиҳалари учун кредитлар беш йил муддатгача берилган бўлса, эндиликда бу муддат Банк кенгаши томонидан белгиланади.

— Ўзбекистонда кредитни расмийлаштириш жараёни жуда соддалаштирилгани тадбиркорларга катта қўлайлик яратадиган, — дейди Сингапур менежментни ривожлантириш институти ўқитувчиси Шафийх Дорри. — Жумладан, қарз олувчилар банкка ҳисобрақамидagi пул маблағлари оқими кўрсатилган бизнес-режаларини нафақат қозғош, балки электрон шаклда топширишининг ўзи кифоя. Бундай энгилликлар мамлакатингизда тадбиркорлар сафининг янада ортишига хизмат қилиши шубҳасиз.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, тижорат банклари, давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда ишбилармонлик муҳитини янада такомиллаштириш мақсадида тижорат банклари аҳоли ва миқозлар билан ҳамкорлик қилишнинг электрон шакллари жорий этиш, Ягона давлат интерактив хизматлари порталида «тадбиркорлик субъектларининг кабинетини» орқали интерактив хизматлар кўрсатиш чоралари кўрилатгани хусусида иштирокчиларга атрофлича маълумот берилди.

Сайёра ШОЕВА,
ЎЗА мухбири

Фармон ва ижро

ТАДБИРКОРЛАР УЧУН ЯНГИ ИМТИЁЗЛАР

юридик жавобгарлиқнинг янги чораларини белгиладиган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар расман чоп этилган фурсатдан бошлаб уч ойдан олдин бўлмаган муддатда қўлга киритилади.

Солиқларни ва бошқа мажбурий тўловларни ўз вақтида тўлайдиган, ишлаб чиқаришнинг барқарор ўсиш суръатлари ва рентабеллигини таъминлаётган тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолиятини солиқ текширувидан ўтказишга қўлланилган мотарий 2017 йилнинг 1 январига қайтарилади.

Анжуманда таъкидланганидек, тадбиркорлик субъектлари давлат бюджетига ҳисобварақларидан солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаганда банк хизматлари учун тўловлар ундириш бекор қилинди. Бундан ташқари, хўжалик юритувчи субъектларнинг солиқ, молиявий ҳисоботларни тақдим этмаслик ва улар кўрсатилган манзилда йўқлиги ҳолатларида ти-

Таълим

УНИВЕРСИТЕТДА МАЪРИФИЙ ТАДБИР

Тошкент Давлат юридик университетида эколог олимлар, талабалар, педагоглар иштирокида маънавий-маърифий тадбир ўтказилди.

Унда Ўзбекистон Республикасининг «Экологик назорат тўғрисида»ги Қонунининг мазмун-моҳияти, ушбу ҳуқуқий ҳужжат ижросини таъминлашнинг муҳим омиллари ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Шунингдек, талабаларга атроф-муҳитни асраш, экологиянинг бузилмаслигига эришиш учун ҳуқуқий

саводхонлиқни янада ошириш зарурлиги ҳақида таъкидлаб ўтилди.

Тадбир якунида қатнашчилар бу борада ечимини қўйишда муаммоларни бартараф этиш бўйича ўз тақлифларини билдиришди.

(ЎЗ мухбири)миз)

Пойтахтимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга қаратилган эътибор самарасида барқарор фаолият юритиб, янги иш ўринлари яратиб, замонавий, сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқараётган кичик корхоналар сони тобора кўпаймоқда.

га аъзо бўлди. Йиллар ўтган сайин унинг маҳорати ошиб, шогирдлари сони ортиди. Юртимизда тадбиркорларга қаратилган эътибор 2009 йилда ёш ҳунармандни масъулияти чекланган жамият ташкил этиб, янги иш ўринлари яратиш ва бозорни мебель маҳсулотлари билан тўлдирishга ҳисса қўшишга ундади. Аввалига стол ва стулларнинг оёқларига гул солиш билан шуғулланган корхонада, ҳозирда буортма асосида барча турдаги мебель жиҳозлари тайёрланмоқда.

— Коллеждан амалиёт ўташга келгандим, — дейди Учтепа туманидаги миллий ҳунармандчилик касб-хунар коллежи битирувчиси Ҳикмат Турғунов. — Ёғочга ишлов беришга, қўл меҳнати асосида ҳар хил нақшлар солишга қизиққанам боис ишга олиб қўлишди. Иш жараёнида устозим Мирзиёев акадан билмаганларимни ўрганиб, маҳоратим янада ошмоқда. Бир йил мобайнида мураккаб усулдаги ёғоч уймакорлигини ҳам ўргандим. Ҳозирда бемалол барча турдаги мебель жиҳозларини аёсай оламан.

Маҳсулотлар турини янада кўпайтириш, янги иш ўринлари очиш ҳам аҳолига кўрсатиладиган сервис хизматлари ҳажминини ошириш мақсадида жорий йилда корхонанинг янги, замонавий савдо дўконини ишга тушириш режалаштирилмоқда.

Ҳа, бугунги кунда жамиятимиз ва аҳолининг турли хилдаги маҳсулотларга, жумладан, мебель жиҳозларига ҳам талаблари тез суръатларда ўзгармоқда. Шунга муносиб равишда тадбиркорлар ҳам янги-янги маҳсулотлар турини ишлаб чиқариш ва аҳоли талабига мос равишда ривожланишга интиломоқда.

Ҳилола ВОХИДОВА

ҲАМКОРЛИК МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

Пойтахтимизда «Малайзияда таълим — 2014» халқаро кўргазмаси очилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Малайзиянинг мамлакатимиздаги элчихонаси кўмағида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ва «Education Voyage» агентлиги ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу тадбирда Ўзбекистон ва Малайзиянинг олий таълим муассасалари, дипломатик корпус вакиллари, ўқитувчилар ва талабалар иштирок этмоқда.

Кўргазманинг очилишида Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазири Алишер Ваҳобов, Малайзия Бош вазирининг ўринбосари, таълим вазири Мухиддин бин Хожи Мухаммад Яссин ва бошқалар Ўзбекистон билан Малайзия ўртасидаги ҳамкорлик барча соҳалар сингари фан-таълим йўналишида ҳам изчил ривожланиб бораётганини алоҳида таъкидлади. Мамлакатимиз таълим тизимида амалга оширилаётган изчил ислохотлар юксак самаралар бераётгани ва бу халқаро ҳамжамият томонидан кенг эътироф этилаётгани қайд этилди.

Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан қабул қилинган «Таълим тўғрисида»ги қонун ва Қадрлар тайёрлаш миллий дастури ёшларнинг пухта билим олиши, иқтидорини тўла намоён этиши, жамиятда ўз ўрнини топишида муҳим омил бўлаётган.

Бугун ҳар бир йигит-қиз нафақат мамлакатимизда, балки хорижий давлатларда ҳам ўз билиминини янада мустаҳкамлаш, замон талаблари даражасида таълим-тарбия олиш, касб-хунар эгаллаш имконига эга. «Малайзияда таълим — 2014» халқаро кўргазмаси ёшларимизга бу борада кенг имкониятлар яратди.

— Ўзбекистон билан Малайзия ўртасида таълим йўналишидаги ҳамкорлик бошқа кўллаб соҳалар қатори изчил ривожланиб бораётгани қувончлидир, — деди ЎЗА мухбирига Мухиддин бин Хожи Мухаммад Яссин. — Мамлакатларимиз университетлари ўртасида ўзаро таъриба ва ахборот алмашинуви яхши йўлга қўйилган. Қадрлар тайёрлаш ва мутахассислар малакасини ошириш борасида ҳам самарали ҳамкорлик қилия-миз. Малайзия техникавий ҳамкорлик дастури доирасида мамлакатларимиз турли вазирлик ва идоралари

ўртасида ҳам яқин ҳамкорлик ўрнатилган. Бугунги кўргазма фан-таълим соҳасидаги ҳамкорликни янада ривожлантиришга, талабалар ва мутахассислар алмашинувини фаоллаштиришга хизмат қилади, деб қўйила-ман.

Мамлакатимизда Малайзиянинг қатор таълим муассасалари, жумладан, Перлис ва Султон Идрис университетлари, Алланс тиббиёт коллежи билан фаол ҳамкорлик йўлга қўйилган. Кўргазмада Ўзбекистон ва Малайзиянинг ўндан ортиқ олий ўқув муассасалари ўз хизматлари билан иштирок этмоқда.

— Ўзбекистонда таълим олиш учун яратилган имкониятлар менда катта таассурот қолдирди, — дейди Teknikal Malaysia Melaka университетининг Ахборот ва коммуникация технологиялари факультети декани, профессор Моҳд Канапи Абд Фани. — Ўзбекистон ёшларининг билимга чанқоқлиги ва қизиқувчанлиги мени ҳайратлантирди. Техника йўналишига ихтисослашган таълим муассасасида электроника ва компьютер муҳандислиги, электротехника, машинасозлик, машинасозлик технологияси, технология соҳасида маркетинг каби факультетлар иш юритмоқда.

Кўргазма иштирокчилари Ўзбекистон ва Малайзия таълим тизимларида амалга оширилаётган ислохотлар, янгиликлар билан танишиш имконига эга бўлди. Ушбу кўргазма юртимиз таълим муассасаларининг Малайзия билим юртлари билан амалий ҳамкорлигини янада ривожлантиришга, таълим соҳасидаги халқаро ҳамкорликни кенгайтиришга, турли йўналишларда малакали мутахассислар тайёрлаш ва уларни иш билан таъминлашга муносиб ҳисса қўшади.

Тадбир доирасида Малайзия рассомларининг кўргазмаси ҳам ташкил этилди. Унда малайзиялик мусаввирларнинг қатор фото ва бадий асарлари намойиш этилмоқда.

Малайзия Бош вазирининг ўринбосари, таълим вазири Мухиддин бин Хожи Мухаммад Яссин шу куни Ҳазрати Имом (Ҳастимом) мажмуини зиёрат қилди. Бу ерда амалга оширилган кенг қўламли бунёдкорлик ишлари билан танишди.

Ноҳира МАНЗУРОВА

ИЛМИЙ-ТЕХНИКАВИЙ АЛОҚАЛАР РИВОЖЛАНМОҚДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Қўшма комиссия доирасида қайта тикланувчи энергия манбалари ва энергия самардорлиги, қишлоқ хўжалиги биотехнологиялари ҳамда соғлиқни сақлаш йўналишлари бўйича Ўзбекистон ва АҚШ олимлари иштирокида ишчи гуруҳлар ташкил этилган. Қўшма комиссия мажлисида мазкур ишчи гуруҳларнинг тадбирлари бўлиб ўтди.

— Ушбу мажлис Ўзбекистон ва АҚШ ҳамкорлигининг яна бир устувор йўналиши — илм-фан ва технологиялар соҳасидаги алоқаларни янада ривожлантиришга хизмат қилади, — дейди АҚШ давлат департаменти масъул ходими Жонатан Марголис. — Айтиш жоизки, илмий-техникавий ҳамкорликни ривожлантириш орқали ижтимоий-иқтисодий соҳалар ҳамда ҳаёфсизлик ва инновациялар каби қатор тармоқларни тараққий эттиришга эришиш мумкин. Мажлисда икки томоннинг илмий-техникавий салоҳиятидан фойдаланган ҳолда муайян лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш масалаларини муҳокама қилинмиш.

Ишчи гуруҳлар мажлисларида Ўзбекистон ва АҚШнинг етакчи илмий-тадқиқот муассасалари илмий ва молиявий салоҳиятини таҳлил этиш, икки мамлакатнинг илм-фан ва технология борасидаги ҳамкорлигини янада ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.

— Олимларимиз ҳамкорликда қатор илмий тадқиқотлар олиб бормоқда, — дейди Миллий илмий жамғарманинг Европа-Евроосиё бошқармачиси раҳбари Кармен Хабер (АҚШ). — Келгусида бу ҳамкорликни янада фаоллаштириш мақсадида мазкур жараёнга икки мамлакатнинг етакчи олим ва мутахассислари билан бир қаторда иқтидорли ёш талабаларни ҳам жалб этиш ниятидамыз. Зотан, Ўзбекистон иқтидорларга, хусусан, илм-фан билан машғул ёш мутахассисларга бой мамлакат.

Анжуман давомида қишлоқ хўжалиги, муқобил энергетика ва тиббиёт каби йўналишларда ҳамкорликда илмий тадқиқотлар олиб бориш, истиқболли лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, мамлакатларимиз ўртасидаги илмий-техникавий ҳамкорликни янада ривожлантириш юзасидан фикр алмашилади.

Ирода УМАРОВА,
ЎЗА мухбири

СЕМИНАР-ТРЕНИНГ ЎТКАЗИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Қизил Ярим Ой жамиятининг «Инсонийлик» ўқув марказида «Соғлом бола йили»га бағишланган «Меҳнат миграцияси масалалари» мавзусида семинар-тренинг бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамияти Тошкент шаҳар ташкилоти ва Чилонзор туман хотин-қизлар кўмитаси ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда туман тиббиёт, ички ишлар, бандликка қўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бўлими, «Камолот» ЁИХ туман Кенгаши ҳамда маҳалла фуқаролар йиғинларининг маънавий-маърифий ишлар бўйича вакиллари иштирок этишди.

Семинарда «Меҳнат миграцияси» дастури-ни бажаришда ҳамкор ташкилотлар билан амалга оширилаётган ишлар, Қизил Хоч ва Қизил Ярим Ой халқаро ҳаракатининг 151 йиллиги муносабати билан жамият томонидан қилинаётган ишлар ҳақида маълумот берилди. Шунингдек, жамият томонидан инсонпарварлик йўлида қилинаётган ишлар, соғлом турмуш тарзи, юқумли касалликлар профилактикаси, чет элга чиқиб ишлаган ва бундан жабрланганлар саломатлигини тиклаш бўйича амалга оширилаётган ишлар, умуман, ўзга давлатларда меҳнат фаолиятини олиб бориш масалалари юзасидан ба-тафсил сўз юритилди.

— Бугунги тадбирда маҳалла фуқаролар йиғинларининг маънавий-маърифий ишлар бўйича вакиллари ҳамда «Камолот» ЁИХ етакчиларининг иштирок этаётгани жуда аҳамиятлидир, — дейди Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамияти Олмазор туман ташкилоти ижрочи директори Хурсаной Аҳмедова. — Меҳнат миграцияси ва бошқа муҳокама этилаётган мавзуларни ёшларга ва аҳолига етказишда маҳаллалар ва «Камолот» нинг ҳамкорлигида иш олиб бориши яхши самара беради.

Абдували СОДИҚОВ

Иқтисодиёт

ИЗЛАНИШ ВА ЯНГИЛНИШ — ДАВР ТАЛАБИ



Учтепа туманидаги «Tis indastri» масъулияти чекланган жамиятида ишлаб чиқарилаётган мебеллар бугун нафақат пойтахтимизда, балки юртимизнинг башқа ҳудудларида ҳам машҳур. Бу ерда аҳолига асосан замонавий, кўркам мебеллар, корхона, ташкилотлар учун эса мебель жиҳозлари билан бирга буортмага кўра 40 хилдан ортиқ стол-стуллар етказиб берилмоқда. Улар орасида қўл меҳнати асосида тайёрланаётган стуллар айниқса хариддорлар.

Корхона жамоаси талаб ва тақлифни ўрганган ҳолда, бежирим ҳамда сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни тўлиқ ўзлаштирди. Йигирмадан ортиқ ишчи-хизматчи меҳнат қилаётган корхонада асосан маҳаллий хомашдан офис жиҳозлари, ётоқхона, ошхона, болалар хоналари учун мўлжалланган сифатли мебеллар ишлаб чиқарилимоқда. Бугун корхонанинг кўргазма залидан ўрин олган «Атиргул», «Назар», «Лола» жамланмалари, «Наврўз», «Леонард», «Хумо», «Навбахор»,

«Классик» ётоқхона мебеллари, нақшинкор «Хуррам», «Парламент» номли стол-стуллар хорижикидан асло қолишмайди.

— Замонавий технология асосида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларимизга талаб катта, — дейди масъулияти чекланган жамият директори Абдурахмон Зиёмухамедов. — Шу боис ишлаб чиқаришни кенгайтириш мақсадида яқинда Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг Учтепа туман бўлимининг кредит олдик. Шу ҳисобдан юмшоқ мебель ва ётоқхона тўпламларига гул ўйиб чиқарадиган янги ускуналар олиб келинди. Уларни ўрнатсак, яна ўнта кишини иш билан таъминлаш имкони яратилади.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, мазкур корхона юксалиш даражасига қисқа муддатда етиб келгани йўқ. А.Зиёмухамедов ёшлигидан ёғочга гул солиш сирларига қизиқиб, усталардан ҳунар ўрганди. 1997 йилда ёғоч уймакорлиги бўйича ёш уста сифатида «Хунарманд» уюммаси-



Сарвар Урмонов (ЎЗА) олган суратлар

ҚИЗЛАР УЧУН СИФАТЛИ СПОРТ ЛИБОСЛАРИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

— Кўрам спорт либосларининг тақдим этилиши Президентимиз томонидан қизларнинг спортга кенг жалб этиши, уларнинг ҳар томонлама соғлом бўлиб вояга етишини таъминлашга қаратилган юрак эътиборнинг ёрқин намунаси, — дейди Яқкасарой туманидаги 13-ихтисослашган болалар ва ўсмирлар олимпия захиралари спорт мактаби услубчиси Мақсуда Халилова. — Бу либослар фарзандларимизнинг спортга бўлган иштиёқини янада оширишга хизмат қилади.

Мутахассисларнинг тавсияси асосида тайёрланган бу либослар юқори сифатли, юрти-

миз иқлим шароитига мос ва қулайлиги билан ажралиб туради.

— Биз, спортчиларга кўрсатаётган ғамхўрлиги учун Президентимиздан беҳад миннатдоримиз, — дейди спорт гимнастикаси бўйича Осиё чемпиони Турдихон Исмолова. — Бундай юрак эътиборга жавобан келгусида нуфузли мусобақаларда янада юқори натижаларга эришиш учун бор имкониятимизни ишга соламыз.

Тадбирда спортчи ёшларнинг кўргазмалари чизиқлари намойиш этилди. Ёш ижрочиларнинг концерт дастури барчага хушнудлик бағишлади.

Байрам АЙТМУРОДОВ,
ЎЗА мухбири

ЎҚИТУВЧИЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШДА АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИНГ ЎРНИ

Тадбирда **UZINFOCOM** марказида «Ўқитувчилар малакасини оширишда АКТ воситаларининг қўлланиши ҳамда Ziyonet порталдан ўқув жараёнида фойдаланиш усуллари» мавзиси бўйича ўқитувчи ва талабаларни муҳокамага чорловчи учрашув ташкил этилди.

да шу фанга тегишли барча материаллар жойлаштирилган ҳақида батафсил тўхталиб ўтди.

Тошкент автомобиль йўллар институти «Архитектура муҳити дизайни» кафедрасининг катта ўқитувчиси, халқаро ва республика танловлари ғолиби З.Матнӣёзов янги педагогик технологиялар, катта-катта лойиҳаларнинг компьютерда амалга ошириладигани, бугунги кунда назарий билим орқали эмас, балки амалий қилинган ишлар кўпроқ натижа бераётганлигини айтиб ўтди.

Тошкент Архитектура-курулиш институти «Чизма геометрияси ва компьютерда лойиҳалаштириш» кафедр-

раси доценти Х.Обидов компьютер графикаси, интернет, Ziyonet ахборот-таълим тармоғидан фойдаланиш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бири эканлигини таъкидлаган ҳолда, ОТМ ўқитувчиларининг малакасини ошириш, янги дастурлар тарғиботини кенг оммага ОАВ орқали етказиш, AutoCAD лойиҳаларини ойнаи жавобан орқали кўрсатиб бориш кераклигини қайд этди.

Учрашув сўнгида ахборот технологияларини янада ривожлантириш мақсадида ана шундай жонли мулоқотларни бошқа жойларда ҳам ўтказилиши лозимлиги таъкидланди.

(ЎЗ мухбиримиз)

**Юнусобод туманидаги 55-оилавий
поликлиникада репродуктив
саломатликни янада яхшилаш, тиббий
профилактикани аниқ ва асосли ҳолда
ривожлантириш масалаларига
бағишланган тадбир бўлиб ўтди.**

Тиббиёт

РЕПРОДУКТИВ САЛОМАТЛИКНИ ЯХШИЛАШ ЙЎЛИДА

Унда аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишда оилавий поликлиникалар шифокорлари олдида турган долзарб масалалар, аҳолини тиббий кўриқдан мунтазам ўтказиб бориш, беморларни даволашда замонавий тиббий жиҳозлар ва технологиялардан самарали фойдаланишнинг аҳамияти ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Яқинда тадбир қатнашчилари келгусида бу борада амалга ошириладиган ишлар режасини белгилаб олишди.

(ЎЗ мухбиримиз)

2014 йил — Соғлом бола йили

ЁШ АВЛОДГА МЕХР ВА ҒАМХЎРЛИК

Истиқлол йилларида мамлакатимизда «Соғлом она — соғлом бола» тамойилини рўёбга чиқариш давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланди. Ушбу мақсадда кенг кўламли умумийлиги дастурлар доирасида амалга оширилаётган изчил ишлар жаҳон миқёсида эътироф этилмоқда.

«Соғлом бола йили» Давлат дастури доирасида мамлакатимизда бошланган кенг миқёсли чора-тадбирлар бу борадаги ишларнинг мантикий давоми бўлмоқда. Айни пайтда мазкур дастур ижроси доирасида соғлом бола тарбиясида кенг жамоатчилик ва ижтимоий тузилмаларнинг ўзaro ҳамкорлиги янада кучайди. Бу жараёнда нафақат маҳалла фаоллари, балки посбонлар, профилактика инспекторлари ҳам фаол иштирок этмоқда.

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида вояга етмаганлар ва ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш, улар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, ўқувчиларнинг дарсларда, жамоат ишларида фаол қатнашишини таъминлаш масалаларига бағишланган ташкил этилган матбуот анжуманида шулар ҳақида сўз юритилди. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бош бошқармаси томонидан ташкил этилган тадбирда маҳалла, мактаб, коллеж ва лицейлар вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Анжуманда Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида ёш авлодга ҳар томонлама ҳуқуқий қўллаб-қувватлаш, манфаатларини ҳимоя қилишга алоҳида эътибор қаратиладигани соғлом авлодни камолга етказишга хизмат қилаётгани таъкидланди. Болаларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилувчи давлат ва нодавлат ташкилотлар тизими шакллантирилгани бунда муҳим омил бўлаётди.

Давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 6 февралда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори ижросини таъминлаш мақсадида Ички ишлар вазирлиги ва унинг жойлардаги қўйи тизимларида вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг олдини олиш бўйича ишчи гуруҳлари фаолияти йўлга қўйилди.

Мазкур гуруҳлар ота-оналар ва уларнинг ўрнини босувчи шахслар томонидан болалар-

ни тарбиялаш, уларга таълим бериш борасидаги мажбуриятларни бажармаслик ҳолатларининг олдини олишга қаратилган тадбирларни амалга оширмоқда. Зеро, Ўзбекистон Республикасининг 1997 йилда қабул қилинган «Таълим тўғрисида»ги қонунида умумий ўрта, ўрта-маҳсус, касб-хунар таълимининг мажбурийлиги таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий принципларидан бири сифатида белгиланган. Вояга етмаган болаларнинг ота-оналари ёки уларнинг қонуний вакиллари боланинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишлари шартлиги ҳамда уларнинг тарбияси, мактабгача, умумий ўрта, ўрта-маҳсус, касб-хунар таълими олишлари учун жавобгарлиги ҳам қонунда мустаҳкамланган.

Вояга етмаганлар назорат-сизлигининг олдини олиш, уларни ижтимоий ҳимоялаш, таълим муассасаларида давоматни яхшилаш борасида маҳаллий ҳокимликлар, вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар, таълим муассасалари, нодавлат ташкилотлар билан ҳамкорликда қатор ташкилий, амалий тадбирлар олиб борилмоқда. Соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг олдини олиш, болаларни турли салбий таъсиirlардан ҳимоялаш алоҳида эътиборда. Шу мақсадда муассасадди идоралар билан ҳамкорликда «Ўсмир», «Давомат», «Ўқувчи», «Ғамхўрлик», «Ойна» каби кенг кўламли профилактик тадбирлар ўтказилмоқда.

Маҳаллалардаги 3,7 мингдан ортиқ милиция таянч пунктнинг 85 фоизи атрофида спорт майдончалари, 70 фойдан ортиги ҳузурида факультатив тўғараклар, кичик бизнес шохобчалари ташкил этилган ёшлар орасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда ижобий самарасини бермоқда. Тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда амалга оширилган профилактик ишлар натижада вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятларнинг йилдан йилга камайишига эришилди. Жумладан, сўнгги беш йилда вояга етмаганлар жиноятчилиги 14 фоизга камайгани шунга тасдиқланди.

Н.АБДУРАИМОВА,
ЎЗА мухбири

ТОШКЕНТДА НЕМИС КИНОСИ ФЕСТИВАЛИ

Алишер Навоий номидаги кино саройида «Ўзбеккино» Миллий агентлиги ва Тошкентдаги Гёте институти филиали томонидан Германиянинг «Шлингел» («Schlingel») халқаро кинофестивали билан ҳамкорликда ташкил этган «Болалар ва ёшлар учун немис киноси» фестивали бўлиб ўтди. Бу ҳақда www.kinoparagata.uz сайти хабар беради.

Фестиваль доирасида Алишер Навоий номидаги кино саройида ёш томошабинлар эътиборига Германия киноижодкорлари тасвирга олган фильмлар намойиш этилиши билан бирга, ёш талабгорлар иштирокида Германияга бағишланган викториналар ўтказилиб, ғолибларга турли совғалар топширилди.

— Мазкур халқаро кинофестивалини ўтказишдан мақсад ёш ўзбек томошабинларини кинофильмлар орқали Германия ҳаёти билан таништиришдир, — дейди Германиянинг «Шлингел» халқаро кинофестивали директори Михаил Харбауер. — Дунёни билишнинг 3 та йўли бор: саёҳат, китоб ўқиш ва фильмлар томошаси. Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистонда кино санъатининг жадал ривожланаётгани, айниқса, болаларга бағишланган бадиий фильмларнинг сон ва сифат жиҳатдан ўсиб бораётгани эътирофлидир. Биз ҳам юртингизнинг зукко ва билимдон ёшларига ўз ижодимизни намойиш этиб, уларнинг синовидан ўтганимиздан хурсандимиз. Ўйлаймизки, бу каби ижодий ҳамкорлик келгусида янада кенг кўламда ривож топади.

«Туркистон-пресс»

Санъат

ОХАНҒАБО НАВОЛАР

Бугунги кунда анъанавий мусиқа билан бир қаторда Европада тараққий этган опера санъатига ҳам қизиқиш тобора ортиб бормоқда.

Ўзбекистон Давлат консерваториясида шу йўналишда кўплаб талабалар билим олмақдалар. Айни шу кунларда опера йўналишида тахсил олаётган иқтидорли талабаларнинг концерт дастурлари мусиқа ихлосмандларини хушнуд этиб, операга бўлган қизиқишларининг янада ортишига сабаб бўляпти.

Шундай жозибали концертлардан бири Ўзбекистон Давлат консерваториясининг Орган залида бўлиб ўтди. Катта ўқитувчи Эгамберди Турсунов синфида ўз мутахассислиги бўйича чуқур билим олаётган талабалар ўзларининг бетакорор ва ширали овозлари билан тингловчилар қалбига чуқур из қолдирилди.

Концерт дастуридан ўзбек ва европа композиторларининг асарлари ва турли халқ қўшиқлари ўрин олди. Жумладан, И.Ақбаров, Сайфи Жалил, С.Юдаков, Т.Содиқов, Ю.Ражабий, Ж.Верди, В.Моцарт, Рубинштейн каби бастакорларнинг энг машҳур асарларидан намуналар ва рус, қозоқ халқ қўшиқлари ижро этилди. С.Юнусов, И.Тўлқинбоев, А.Извольский, Р.Аҳмедовлар қўшиқларни маромига етказиб ижро этдилар. Шунингдек, ёш овоз соҳиблари Б.Нурмухаммедов, Ж.Мўминов, А.Шарапов, Й.Абланазаров, Ф.Туроновларнинг чиқишлари ҳақда ўзгача шуқуҳ бахш этди ва тингловчиларнинг алоҳида эътиборига сазовор бўлди.

Муаяссар ЭРҒАШЕВА,
Ўзбекистон Давлат консерваторияси талабаси

Кўргазмалар

БЕТАКРОР ТАСВИРИЙ САНЪАТ АСАРЛАРИ

Ҳайдар Алиев номидаги Озарбойжон маданият марказида «Баҳор — олам кўзгусида» деб номланган тасвирий санъат кўргазмаси ўтказилди.

Ушбу маърифий тадбир Озарбойжоннинг мамлакатимиздаги элчихонаси ташаббуси билан ташкил этилди. Шу ўринда алоҳида таъкидлаш керакики, Х.Алиев номидаги Озарбойжон маданият марказида турли маданий-маърифий тадбирлар ҳамда шу каби кўргазмалар тез-тез ўтказиб турилади.

Кўргазмада Камолиддин Бехзод номидаги Миллий рассомчилик ва дизайн институтида тахсил олаётган талабаларнинг ижодий ишлари, асарларидан намуналар ҳам намойиш этилди. Томошабинлар эътиборига ҳавола қилинган акварель ҳамда рангтасвир йўналишида ишланган табиат манзаралари, инсон ва борлик, кўклар жозибаси ва ажойиб-ботлари акс этган ҳар бир тасвирий санъат намунаси иштирокчиларда унутилмас таассурот қолдирди.

Даврон РАҲИМОВ

Ёшларга оид давлат сиёсати — амалда

ДОЛЗАРБ МАВЗУДАГИ АНЖУМАН

Ёшлар ижодиёт саройида «Ватан келажиги сенинг қўлингда» мавзусида умумтаълим мактаби ўқувчилари учун ўқув-семинари бўлиб ўтди.

Республика Маънавият тарғибот маркази томонидан ташкил этилган тадбирда пойтахтимизнинг барча туманлари умумтаълим мактабларидан беш юздан ортиқ ўқувчи иштирок этди.

Ўқув семинарини ташкил этишдан мақсад давлатимиз раҳбарининг жорий йилнинг февраль ойида қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорининг мазмун-моҳиятини кенг жамоатчилик, айниқса ёшлар ўртасида тарғиб қилиш ҳамда мамлакатимизда сиёсий, ҳуқуқий, ижтимоий ва иқтисодий соҳаларда амалга оширилаётган ислохотларни ёшларга тўлақонли тушунтириш, ёш авлодни ушбу жараёнларга кенг жалб этишдан иборат.


— Бугунги кунда ёшларимизнинг жисмонан ва маънан етук тарзда вояга етишлари учун кўплаб ишлар амалга ошириб келинмоқда, — дейди Республика Маънавият тарғибот маркази Ҳамза тумани бўлими раҳбари Муқаддас Раззоқова. — Жорий йилнинг «Соғлом бола йили» деб эълон қилиниши ва ёшларга оид давлат сиёсатини амалга

оширишга қаратилган қонун ҳужжатларининг қабул қилиниши бунинг ёрқин исботидир. Бугунги тадбиримиз ўсиб келаётган авлоднинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий билимларини ошириш билан бирга маънавий, сиёсий, ижтимоий дунёқарашининг юксалишига хизмат қилади.

— Юртимизда биз ёшлар учун кўплаб имкониятлар яратилган, — дейди Чилонзор туманидаги 183-мактаб ўқувчиси Жавоҳир Норбоев. — Таълим олиш, чет тилларни ўрганиш, тадбиркорлик билан шугулланиш борасида етарлича шарт-шароитлар мавжуд. Биз ҳам бунга жавобан юрак билан ва тафаккурга эга бўлиб, Ватан равнақи йўлида жон куйдирмоғимиз лозим. Бугунги тадбир ҳам бежизга «Ватан келажиги сенинг қўлингда» деб номланмаган. Зеро, юртимиз келажиги биз ёшларнинг қўлимизда.

Семинар давомида юртимизда амалга оширилаётган ислохотлар, бунёдкорлик, фаровон ҳаёт, «Соғлом бола йили»га бағишланган ҳамда жиноятчилик ва ғиёҳвандликка қарши курашишга оид фильм намойиш этилди.

Абдуалим САЛИМОВ



Миллий ҳунармандчилигимиз давомчилари

Асқар Ёқубов олган суратлар

Спорт янгиликлари

МУРОСА ЙЎЛИНИ
ТАНЛАШДИ

Мамлакат XXIII миллий чемпионати профессионал футбол лигаси жамоалари ўртасида уюштирилган 7-турнинг марказий учрашуви «Пахтакор» марказий стадионида бўлиб ўтди.

«Тошкент дерби»си номини олган ушбу баҳсда совринли ўринларга астойдил даъвогарлик қилаётган «Пахтакор» ҳамда «Локомотив» жамоалари ўзаро тўқнаш келишди.

Айтиш жоизки, ўтказилган 6 та учрашувда фақат галаба қозониб ҳали очко йўқотмаган пахтакорчилар турнир жадвалида карвонбошилиқ қилаётган бўлса, темирўлчилар ҳам 14 очко билан пешқадамни изма-из таъқиб қилиб келишаётган эди.

Шу боис ҳам мутахассислар муҳлислар ўйинида қайси жамоа галаба қозонишини аввалдан башорат қила олишмади.

Дарҳақиқат, учрашув шиддатли курашларга бой, мурасасиз кечди. Ҳар икки томон муҳлислар кўз ўнгига ҳужумкор ўйин намойиш этди. Шу сабаб ҳам дарвозалар олдида кўп марта хавфли вазиятлар содир этилди. Шу кун ишқибозлар 90 дақиқа давомида тўртта голнинг гувоҳи бўлишди. Учрашув 2:2 ҳисобида жанговар дуранг билан якунланди. Дарвозаларга голларни «Пах-

такор»дан — Мерзаков, Кримец, «Локомотив»дан — Нагаев, Хасановлар йўллашди.

Амалдаги мамлакат чемпиони «Бунёдкор» ушбу турда Тошкентда «Навбахор» билан куч синашди. Бу ўйин ҳам анча қизиқарли кечди. Чунки Бахтиёр Ашурматов бош мураббийлигидаги меҳмонлар «Бунёдкор»га муносиб қаршилиқ қила олишди. Аммо, меҳмонлар ҳимоясидаги хатоликлар сабаб ўз дарвозаларидан 3 та гол ўтказиб юборишди. Мезбонлардан Шодиев, Рашидов, Пишур голларга муаллифлик қилишди.

Қолган учрашувлар куйидагича якунланди: «Металлург» — «Нефтичи» — 2:1, «Сўғдиёна» — «Насаф» — 1:2, «Андижон» — «Бухоро» — 2:0, «Қизилқум» — «Динамо» — 2:0, «Машъал» — «Олмалик» — 0:0.

Ўтказилган еттинчи турдан сўнг турнир жадвалида 19 очко жамғарган «Пахтакор» пешқадамлик қилаётган бўлса, ўн бештадан очкога эга «Локомотив» ва «Бунёдкор» 2,3-ўринларда боришмоқда.

Бухорода бадминтон бўйича уюштирилган мамлакат биринчилиги якунланди.

ҲАМШАҲАРЛАРИМИЗ — СОВРИНДОР

Тошкент шаҳри ҳамда мамлакатимизнинг барча вилоятлари жамоалари иштирок этган беллашувлар юртимизда ушбу спорт тури ёшлар орасида жадаллик билан оммалашиб бораётганлигини яна

бир қарра исботлади. Яққалик, жуфтлик, аралаш баҳсларда бухоролик, андижонлик ва пойтахтлик спортчилар мусобақага пухта тайёргарлик кўрганликларини исботлашди.

Яқунда умумжамоа ҳисобида Бухоро вилояти жамоаси биринчи ўринни эгаллаган бўлса, фахрли 2,3-ўринлар Андижон вилояти ва Тошкент шаҳри жамоаларига насиб этди.

ПОЙТАХТЛИК
КАРТИНГЧИЛАР
ИККИНЧИ

Ўзбекистон Мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти ташаббуси билан спортнинг амалий техник турлари бўйича мусобақалар уюштириш анъанага айланган.

Яқинда картинг бўйича мамлакат биринчилиги ўтказилди. Унда Тошкент шаҳри ҳамда юртимизнинг барча вилоятлари жамоалари ғолиблик учун кураш олиб боришди.

Мусобақанинг турли йўналишлари бўйича ўтказилган беллашувлар якунида умумжамоа ҳисобида ғолиблик пойтахт вилояти спортчиларига насиб этган бўлса, Тошкент шаҳри ҳамда Андижон вилояти жамоалари 2,3-ўринларни эгаллашди.

Навоий вилоятида спорт гимнастикаси бўйича ўсмирлар ўртасида Ўзбекистон чемпионати бўлиб ўтди.

ГИМНАСТИКАЧИЛАРИМИЗ
МУВАФФАҚИЯТИ

Ўсмирлар ва қизлар ўртасида уюштирилган баҳсларда Тошкент шаҳри ҳамда мамлакатимизнинг барча вилоятларидан келган энг маҳоратли ёш гимнастикачилар ўзаро беллашди.

Ўғил болалар ўртасидаги баҳсларда мусобақага пухта тайёргарлик кўрган пойтахт шаҳри жамоаси биринчи, самарқандлик ва андижонликлар иккинчи, учинчи ўринларни эгаллашди.

Қизлар баҳсларида ҳам Тошкент шаҳри жамоаси шохсупанинг энг юқори поғонасини забт этди. Фахрли 2,3-ўринлар Андижон ва Наманган вилоятлари жамоаларига насиб этди.

Умумжамоа ҳисобида ҳам пойтахтимиз гимнастикачилари ғолиб бўлишди.

Акбар Йўлдошев

ФАКУЛЬТЕТДА ФУТБОЛ МУСОБАҚАСИ

Тошкент Давлат шарқшунослик институти ҳамда институт «Қамолот» ЁИХ бошланғич ташкилоти ҳамкорлигида талабалар ўртасида футбол бўйича мусобақа ташкил этилди.

Бу каби ички мусобақаларнинг ўтказиб турилиши қайсидир маънода талабаларимиз учун универсиада бахсларига тайёргарлик вазифасини ҳам ўтайди.

Мусобақа якунига кўра Жаҳон сиёсати ва тарих факультетининг тўртинчи босқич «Урду Мадрид»

жамоаси ғолибликни қўлга киритди. Ундан кейинги ўринларни «Шарқона» ҳамда «Ойбек сити» жамоалари эгаллашди. Ғолиб ва совриндорларга ташкилотчилар томонидан эсдалик совгалари топширилди.

Муслима АБДУМАЛИКОВА

Айни кунларда Халқаро Оила кун муносабати билан «Энг намунали оила» кўрик-танловининг туман босқичлари бўлиб ўтмоқда.

Чунончи, Миробод энгил саноат касб-ҳунар коллежида «Оила муқаддас қадриятлар гушаси» мавзусидаги танлов Миробод туман хотин-қизлар кўмитаси томонидан уюштирилди.

— Оила жамиятнинг асосий таянчи. Инсонларни бирлаштирадиган, ҳамжиҳат ва ҳамкадамликка қўриқлайдиган, анъана ва урф-одатларимизни қадрлайдиган, миллий-лигимизни англайди, меҳр-оқибат, одамлилик, иймон-инсоф, яхшилик ва эзгулик туйғуларини қалбларимизга сингдирадиган муқаддас гуша ҳисобланади, — дейди Миробод туман ҳокими ўринбосари, туман хотин-қизлар кўмитаси раиси Феруза Мамаинова. — Ушбу танлов ҳам энг намунали оилани аниқлаб бериш баробарида бундай оилалар ҳар жиҳатдан бошқаларга намуна кўзгуси ва ибрат мактаби бўлиб қолиши муҳим аҳамият касб этади.

Танловда Миробод туманидаги маҳаллаларда 25 йил ва ундан ортиқ умргузаларлик қилган оилалар иштирок этди. Туманда жами 39 та ма-

ҳалла мавжуд бўлиб, шундан 29 нафар оилалар кўрик-танловда қатнашиш учун тавсия қилинди ва улардан тўрт нафари туман босқичида қатнашиш имконига эга бўлди. Хонадон ободлиги, тинчлиги, фарзандлар тарбияси, уларнинг бўш вақт-

Танловлар

ОИЛА — ҚАДРИЯТЛАР
БЕШИГИ

ларини мазмунли ўтказиш борасидаги ишлар, ёшларнинг қизиқишларини касбга йўналтириш, миллий анъана ва қадриятларимизни қадрлашга қўллаш, ўғил-қизларимизни Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялашдаги фаилатларини кўрсатиб бериш танлов шартларининг асосий негизини ташкил этди.

Тадбир доирасида иштирокчи оилаларнинг фотоальбому, хонадон кўриниши, яшаш шароити, оила бошлиқлари ва фарзандларининг сеvimли машғулоти билан шу-

ғуланишлари кўрсатилган кўргазмалар ва лавҳалар намойиш қилинди.

Танловда «Чинор» маҳалласидан Бердиевлар оиласи ғолиб деб топилди, шаҳар босқичига йўланма олди.

— Оиламизнинг ғолиб деб топилди хонадонимиз зиммасига янада масъулият бағишлади, — дейди оила бекаси, бир неча йиллардан буён «Чинор» маҳалласида хотин-қизлар кўмитаси раиси вазифасида фаолият юритиб келаётган Мавжуда Луқмонова. — Тўрт нафар фарзандимиз бор. Турмуш ўртоғим санъаткор, иккита ўғлим ИИБ ходими, қизим Гулрух Республика телевидение ва радио касб-ҳунар коллежида ўқитувчи, кенжа қизим Садоқат эса маҳалламизда котиба бўлиб ишлайди.

Дарҳақиқат, юртимиз осойишталиги, фаровонлиги даставвал мўъжазгина оилалардан бошланади. Чунки миллат келажаги оила ришталари билан узвий боғлиқдир. Зеро, оила жамиятнинг асосий таянчи ва ажралмас қисми ҳисобланади. Ўтказилаётган бундай танловлар маҳаллалар ҳамжиҳатлигини, ҳамкорлигини, бирдамлигини мустаҳкамлаш, ибратли оилаларнинг кўпайиши баробарида, мамлакатимиз тараққиётида муҳим омил ҳисобланади.

Гулчехра ДУРДИЕВА

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«K'O'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказилаётган очик аукцион савдосига таклиф этади! Аукцион савдосига Олмазор туман СИБ томонидан, Тошкент шаҳар ҳўжалик судининг 21.07.2011 йилдаги 10-1117/7803-сонли, 09.03.2011 йилдаги 10-1008/21203-сонли, 16.05.2011 йилдаги 10-1114/4969-сонли ижро варақаларига асосан, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Уста Ширин 1-тор кўчаси, 254-уйда жойлашган ер участкасининг умумий майдони 481 кв.м., бино иншоотининг умумий майдони 979 кв.м., фойдаланиш майдони 832,15 кв.м. бўлган икки қаватли ертўвали маъмурий бино тақроран қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 694 765 614,61 сўм. Аукцион савдоси 2014 йил 26 май кунини соат 12:00 да бўлиб ўтади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишнинг охириги муддати: 2014 йил 23 май кунини соат 18:00.

Кўчмас мулк билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокда бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда «K'o'chmas Mulk Savdo Xizmati» МЧЖнинг «Ипак йўли банки» ОАИТБ Сағбон ф-даги 20208000904920609114, МФО: 01036, СТИР: 207122519 х/рга тўлашлари шарт.

Савдо ўтказилаётган манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-А-уй. Тел: 228-79-52. www.1kms.uz. Лицензия: RR-0001.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» ва «ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ» Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар кунини соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс: (371) 232-11-39. Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 225-хона.

БАРКАМОЛЛИК ОМИЛИ

Президентимиз Ислон Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда болалар спортини ривожлантириш, ёшларни соғлом турмуш тарзига жалб этиш, улар ўртасида жисмоний тарбия ва спортни кенг оммалаштиришга доимий эътибор қаратилаётир. Соғлом ва навиқрон авлодни тарбиялаш йўлида амалга оширилаётган бу эзгу ишлар ўзининг юксак самарасини бераётир.

Давлатимиз раҳбари жорий йил 28 январь кунини Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгашининг йиғилишида ёш авлоднинг жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишига кенг имконият яратиш, жумладан, қизларни спортга янада кенг-роқ жалб этиш масаласига алоҳида эътибор қаратди.

Ана шундай ғамхўрлик спортга меҳр қўйган қизлар сафининг тобора кенгайишида муҳим омил бўлмоқда. Буни пойтахтимизнинг Чилонзор туманидаги 43-болалар ва ўсмирлар спорт мактаби мисолида ҳам кўриш мумкин.

Мактабнинг бадий гимнастика секциясида 168 нафар қиз спорт билан мунтазам шуғулланмоқда. Улар ўн олти гуруҳга бўлинган ҳолда машғулотларга жалб этилган. Қизларга ўнга яқин тажрибали мураббия спорт сирларини ўргатмоқда.

Мураббия Мария Мамаинованинг айтишича, бундан уч-тўрт йил олдин бадий гимнастика секциясида икки-уч гуруҳ фаолият кўрсатган бўлса, сўнгги йилларда ушбу спорт турига қизиқувчилар кескин органи сабабли гуруҳлар сони ҳам кўпайди.

— Ҳозирги ёшларга яратилган шароит ва имкониятларни кўриб, ҳавасим келади, — дейди қизини тўғаракка олиб келган Фотиما Маҳмудова. — Ўқувчилик давримизда спорт тўғрисида жуда кам эди, бундан мактаблар тасарруфида барча қулайликка эга спорт заллари фаолият юритмоқда. Уларда болалар доимий равишда шуғулланиб, жисмонан чиниқмоқда.

Гимнастикачи қизлар мамлакат миқёсидаги мусобақаларда муваффақиятли иштирок этиб келмоқда. Шу йилнинг март ойида Навоий вилоятида ўтказилган Ўзбекистон чемпионатида Татьяна Ким ва Александра Панкова юқори ўринларни қўлга киритиб, устозларини хушнуд этди.

— Мактабимизнинг бадий гимнастика, енгил атлетика, акробатика, теннис, футбол, камондан отиш ва таэквондо (WTF) секцияларида 550 нафар ўғил-қиз мунтазам шуғулланмоқда, — дейди спорт мактаби директори Асқар Абдураҳимов. — Уларнинг 260 нафарини қизлар ташкил этади. Ёшларимизда жамоавий спорт турларига қизиқиш кучайиб бораётгани туфайли бу йилги мавсумда спортнинг баскетбол, волейбол, гандбол каби турлари бўйича секциялар фаолиятини йўлга қўйишни режалаштирганмиз.

Юртимиз ўғил-қизларининг жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиши, уларнинг спортга қизиқиш ва иштиёқини янада оширишда, жисмонан соғлом, маънан етук инсонлар бўлиб қамол топишда замонавий спорт жамуалари, болалар ва ўсмирлар спорт мактабларида яратилган кенг имкониятлар муҳим омил бўлмоқда.

Даврон СУННАТОВ,
ЎЗА мухбири

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Кичик халқа йўли кўчаси, G-9A мавзеси 21-уй манзили бўйича рўйхатдан ўтган (ИНН 302666640) Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети қошидаги чет тилларни ўқитишнинг инновацион методикаларини ривожлантириш республика илмий-амалий марказининг думалоқ муҳри йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, 8 майда Тошкент шаҳри об-ҳаво шароити шаҳар

Тошкент шаҳрида 8 май кунини ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайд. Шарқдан се-кундига 3-8 метр тез-ликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 17-19, кундузи — 30-32 даражаси 1-3 фоз па-сайиши тахмин қилин-моқда, тағмиқдори наст бўлади.

Тошкент Оқшом

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95, факс: (371) 232-11-39

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02:1-рақам билан рухсатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамити»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида теринди ва саҳифаланди

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМЛИГИ



Бизнинг электрон манзил:
vto2007@mail.uz

Буюртма Г- 556

Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.
12091 нусхада босилди.
Қозғо бичими А-2

Топшириш вақти: 13.00

Нашр учун масъул
Д. Исроилов

Босиш топширилди: 14.20

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмахонаси. Корхона
манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ